ТОШКЕНТ ШАҲАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИНИНГ
РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта
чиқади.
«Тошкент оқшоми»
нашри.

# Маҳалладош

Август 1990 йил.
№ 15 (28).

## Маҳалла низоми:

### ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР

**● «Тошкент оқшоми» рўзномасида (шу йил, 9 июль сони) маҳалла (мавзе) комитетларининг Низоми лойиҳаси эълон қилингач, нафақат пойтахтликлар, балки жумҳуриятдаги турли вилоятларда яшаётган аҳоли ҳам хат йўлламоқда. Сим орқали мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Билдирилаётган фикр-мулоҳазалар бу ҳужжат халқ муҳокамасига ўз вақтида қўйилганини яққол кўрсатиб турибди.**

НИЗОМ лойиҳаси атрофлича, анча пухта тайёрланган. Бундай ҳужжат жуда зарур эди. Менинг дадам кўп йиллардан бери маҳалла фаоли сифатида ҳурмат қозониб келаётганларидан бу масканДаги ишлардан анча хабардорман. Шу боис таклифларим ҳам йўқ эмас.

Биринчидан. Маҳаллага жон куйдириб, беминнат хизмат қилиб келаётган фаоллар рағбатлантириб турилса.

Иккинчидан. Лойиҳада тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда дабдабабозликка йўл қўювчи хонадонларга нисбатан чора қўллаш ҳуқуқи қўмиталарга берилиши кўрсатиб ўтилса.

Учинчидан. Қўмита раиси ва котиби билан баравар ташкилотчилик ишларини бажарадиган раис ўринбосарига ҳам маош белгиланса айни муддао бўларди.

**М. МАҲКАМОВА,**
**С. Раҳимов районидаги 522-боғча тарбиячиси.**

ЎЗИМНИНГ кундалик ҳаётимдан келиб чиқиб бир фикр айтмоқчиман. Қўмита раиси маҳалла ташвишлари билан қанчадан-қанча жойга, идора ва ташкилотларга боради. Бунда, сўзсиз жамоат транспортидан фойдаланади. Низом лойиҳасининг «Умумий қоидалар» қисмидаги 3 ва 9-бандлари мазмун жиҳатидан бир-бирига айнан ўхшайди. Шу сабабли 9-банддаги жумлалар ўрнига «Маҳалла комитети раиси ва котиби ўзи яшаётган район ҳудудида йўналишли автобуслардан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга», деб ўзгартириш киритилишини таклиф қиламан.

**Ш. УСМОНОВ,**
**Фарғона вилояти, Киров районидаги Болтақул қишлоқ маҳалла қўмитасининг раиси.**

МАҲАЛЛА (мавзе) комитетларининг молиявий базаси, шубҳасиз Низомнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисмини ташкил этади. Шундай экан, молия бюджетларини иложи борича кенгайтириш келажакда маҳалла равнақи ва ободончилигига хизмат қилади. Мен шу ўринда бир имконият ҳақида гапирмоқчиман. Маълумки, уй-жой олди-сотдисига нотариал идорасига давлат пошлинаси тўланади. Маҳалла ҳудудидаги уйлар учун тушган маблағнинг маълум қисми маҳалла бюджетига ўтказилса бўлмайдими? Агар шу фикрим инобатга олинса у холда лойиҳанинг III-қисми, 20-банди, в) бандчасига «уй олди-сотдисидан тушадиган маблағлар» қўшимчасини киритиш мумкин. Шунда в) бандча қуйидагича ўқилади: «маҳалла комитети қарамоғидаги чойхоналар ва бошқаларни ижарага топшириш, уй олди-сотдисидан тушадиган маблағлар ҳисобига».

**С. МУҲАМЕДОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган шифокор.**

МАҲАЛЛА (мавзе) комитетларининг Низоми кучга киргач, қўмиталар учун асосий дастур бўлиб қолиши яққол сезилиб турибди. Бизнинг вилоятимизда жуда яхши урф-одатлар бор. Масалан, ҳашарни олиб кўрайлик. 80-100 киши бир хонадонга йиғилиб, уйнинг пойдевори ёки деворини битириб кетишади. Мен ўйлайманки, қабул қилинадиган ҳужжат ана шундай анъаналарни оммалаштиришда катта роль ўйнайди.

**М. БЕРКИНОВ,**
**Андижон вилояти, Найман қишлоғи.**



Кўчалари ва гузарлари олчазор, олмазор ва бошқа мевазор боғларни эслатувчи соя-салқин маҳаллаларни кўриб дилингиз яйрайди. Бунда маҳалла аҳлларининг, миришкор боғбонлар ва соҳибкорларнинг муносиб ҳиссаси бор. М. Горький номидаги болалар боғининг боғбони Неъматулла Раҳматуллаев ҳам ана шундай миришкорлардан бири.

СУРАТДА: боғбон Неъматулла Раҳматуллаев.

Т. Каримов сурати.

## РАИС ҚАЙТА САЙЛАНДИ

«ЯНГИ Тошкент» маҳалласи томошагоҳида йиғилиш тугагач, меҳнат ва партия кексаси Нуриддин Исмоилов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Мажлис жонли, ошкора ўтди. Айрим мулоҳазаларимни айтишга вақт етмай қолди. Масалан, электр масаласини олиб кўрайлик. Маҳалламиздаги 480 хонадоннинг 100 таси Тошкент районидан таъминланади. Афсуски, бу хонадонларда электр чироғи тез-тез ўчиб туради. Ҳудди шу гапни телефон тўғрисида ҳам айтмоқчиман. Қачон қарасанг, тармоқдаги симлар узилиб, чуваланиб ётади. 29-автомат телефон станцияси ишчилари эса парвои фалак. Бундай аҳвол қачонгача давом этади, билмаймиз.

Куюнчаклик билан айтилган бу сўзларга қўшилмай иложимиз йўқ. Шунга ўхшаш мулоҳазалар ҳисобот сайлов йиғилиши давомида ҳам билдирилди.

— Мен, қўмитамиз раиси Рашидхўжани яхши биламан, — деди маъруза юзасидан ўз фикрини билдирган Ҳабибулла Нуъмонов. — У ўн йилдан ортиқ фаолияти давомида камтар, ишбилармон ва жонкуяр жамоатчи эканлигини яққол кўрсатди.

Маҳалла фуқароси Петр Лукьянович Тимошкин хонадони катта кўчага яқин жойлашган, ҳозирги кунда уйининг атрофи ахлатхонага айланиб қолгани ҳақида гапириб, қўмитадан ёрдам сўради. Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Халилов эса маҳалла аҳлининг канализация қувурлари ўтказиб бериш ва электр тармоқларини янгилаш хусусидаги талабларини ижро этишга киришгани, яқин вақтлар ичида бу масалалар ижобий ҳал бўлажагини айтди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳисобот даврида 19 кишидан иборат қўмита аъзолари салмоқли ишларни амалга оширишди. Масалан, Муаззам Назарова бошчилик қилаётган хотин-қизлар кенгаши аъзолари оилалардаги келишмовчиликларнинг олдини олиш, аёлларга етарли шарт-шароит яратиб беришда жонбозлик кўрсатишяпти. Ўртоқлик суди вакиллари аралашуви билан эса қўмитага тушган барча ариза ва шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Турли байрам ва маросимларни кўнгилдагидек ўтказишда маданий-оқартув комиссиясининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Йиғилишда назорат-тафтиш комиссияси раиси Собир Тўлаганов ҳам ҳисобот берди. Маҳалла аҳли Рашид Аҳмедовни яна қўмита раиси этиб сайлади.

**М. ТУРОБОВ.**

## Хушхабарлар

### Ҳуқуқшунос тушунтириб берди

«КАМОЛОН» маҳалласининг аҳли 91-сайлов округидан Октябрь район Советига депутатликка сайланган, СССР Адвокатлар уюшмасининг аъзоси Маҳфуза Файзуллаева билан учрашишди. Таниқли ҳуқуқшунос савол-жавоблар орқали балоғатга етмаган ёшлар тарбияси, пенсия, ер, уй-жой, никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлар ҳақида тушунча берди. Йиғилиш сўнгида маҳалла бадиий ҳаваскорлари концерт намойиш этдилар.

**М. ЗАБИХИЛЛАЕВ.**

### Мунозарали ўтди

ТОШКЕНТ шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Кенгаш раиси Қ. Фозилхўжаев Тошкент шаҳар маҳаллаларининг 1-Қурултойини чақириш ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг мазкур анжуман кун тартибига қўйилаётган масалалар юзасидан қизғин мунозара бошланди. Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек шаҳар маҳаллалар қўмиталари Кенгаши Низомининг лойиҳаси, чойхоналарда сиёсий ва маданий ишларни йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳаза билдирдилар.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ.**

### Ўрнак олишсин

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Чироқчи районида аҳолини жисмонан чиниқтиришга катта эътибор берилаяпти. Яқинда Ҳамза, Навоий, «Советобод», «Пролетар» каби 9 та маҳалла ўртасида футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Учрашувларни уюшқоқлик билан ўтказган «Янгиобод — 2» жамоаси ғолиб чиқиб, район комсомол қўмитасининг совриннин қўлга киритди. Пойтахтимиздаги маҳалла қўмиталари чироқчиликлардан ўрнак олишса арзийди.

**Э. ТОШТЕМИРОВ.**

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**ШУ ЙИЛ, 7 сентябрь куни соат 10-00 да Тошкент вилояти партия комитетининг катта мажлислар залида Тошкент шаҳар маҳаллаларининг 1-Қурултойи очилади. Пойтахтимиз тарихида биринчи марта ўтказилаётган бу анжуманнинг кун тартиби қуйидагича:**

1. Тошкент шаҳар маҳаллалар қўмиталари Кенгашининг ҳисоботи.
2. «Маҳалла» дастури бажарилишининг бориши ҳақида.
3. Маҳалла (мавзе) комитетларининг Низоми лойиҳаси тўғрисида.
4. «Маҳалладош» рўзномасининг ҳисоботи.
5. Тошкент шаҳар маҳаллалар қўмиталари Кенгашининг янги ҳайъатини сайлаш.

**Тошкент шаҳар маҳаллаларининг 1-Қурултойи кун тартибига қўйилган масалалар бўйича таклифлар, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса Тошкент шаҳар маҳаллалар қўмиталари Кенгаши ёки «Маҳалладош» рўзномасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

**Телефонларимиз: 45-66-45, 32-53-66.**

«Маҳалладош»—маҳалла—«Маҳалладош»




Донобувага мактуб

# «Мендан юз ўгиришгани инсофданми?.. »

Бугун тунда ўтмишимни эслаб яна ухлай олмадим. Сиз билан отахон суҳбатлашгим, юрагимни ёзиб, дардлашгим келди.

Мен келин бўлиб тушган хонадон анча ўзига тўқ, қўша-қўша машиналар дарвозахонада турар, фақат бозордан қўл гўшти ейиларди. Хуллас, ўртаҳол, оддий оилада катта бўлган мен учун булар янгилик эди. Бир йилдан сўнг фарзандлик бўлдим. Турмуш ўртоғим ота-онанинг доимий қўллаши, уйда барча нарсанинг етарли бўлишига ишониб, бир ерда ёлчитиб ишламади. Шу сабабли кўпинча тортишиб қолардик.

Бу ҳаётдан негадир кўнглим тўлмас, бир ёқдан чақалоқ, бир ёқдан ўқиш, бир ёқдан уй юмушлари — кундан-кунга толиқиб, озиб борардим. Кейин, секин-аста қандайдир қисқа йўтал пайдо бўлди. Болам бир ёшга тўлиб, ишга кириш учун тиббиёт кўригидан ўтаётганимда менда касаллик бошланганини айтишди. Шу куннинг ўзида жумҳурият сил касалликлари илмий текшириш олийгоҳининг касалхонасига юбордилар. Шундай қилиб ўзим билмаган, ҳеч қачон эшитмаган хасталикка йўлиққан эканман. Аввалига ўкиниб йиғладим, кейинчалик эса кўникиб кетдим. Шу ерда тўқишни ўргандим. Умримнинг ярим йили даволаниш билан ўтди. Шифокорлар, ҳамширалар, ренгенологлардан миннатдорман. Бутунлай соғайишим учун улар ўз куч-ғайратларини аямадилар.

Ниҳоят, касалхонадан чиққач, олдимда ишга жойлашиш вазифаси турарди. Бу касаллик билан ишлаш мумкин — фақат болалар муассасасида эмас. Менинг эса ўқишим ҳам, ишим ҳам, танлаган касбим ҳам — тарбиячилик. Иш топгунимча боғчадан иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска беришди. Бир дугонамнинг таклифи билан пойтахтдаги Ўқчи кўчасига жойлашган муассасага бориб учрашдим. Суҳбатдан сўнг, таржима қилиниши керак бўлган русча текст беришди. Уйда астойдил ҳаракат қилиб, таржимани олиб борган эдим директорга маъқул тушди. Ҳўжжатларимни сўради. Мен хурсандчилик билан диплом ва меҳнат дафтарчамни келтирдим. Директор дафтарчадаги «Касаллиги туфайли ишдан бўшатилсин», деган ёзувни ўқиб, суриштира бошлади. Мен бўлган воқеани гапириб бердим. Шу куни у баҳона билан қайтариб юборди. Эртасига эса «Бизда бўш ўрин йўқ», деган жавобни олдим. Шундай қилиб, қўлимда диплом ва бир неча йил стажим билан ишсизликка дуч келдим.

Энди оилам ҳақида. Касалхонага келган дастлабки кунданоқ, келин бўлиб тушган хонадондагилар мен ва ўғлимдан юз ўгирдилар. «Бундай касал бўлган бўлса кетаверсин!..» Бу ножўя иши учун қамалиб қолган турмуш ўртоғимнинг сўзлари эди. Ойлар давомида меҳрга зор бўлиб ётганимда бирор марта йўқламади. Онам ўрнида онам бўлган қайнонам, сирдош овсиним, қайнагач-қайинсингилларимга энди менинг керагим йўқ эди. Шундай бўлса ҳам эгилиб, қадримни букиб, уларни бир неча бор бориб кўрдим. Ҳар нима бўлганда ҳам ўғлим бор. Аммо хонадондагиларнинг ўзларини олиб қочишлари, еган-ичган идишларимни, қошиқларимни кун қизиғига қўйиб ёки қайноқ сувда «дизенфекция» қилишлари жуда қаттиқ таъсир қиларди. Турмушимни сақлаб бўлмаслигини тушуниб, ўз уйимга бутунлай келдим.

Йиллар ўтди. Қийинчиликларда бирдан-бир овунчоғим ўғлим ҳам кўзга кўриниб қолди. Бир неча марта ҳаётдан юз ўгирмоқчи бўлганман. Бу фикр миямга кўп марта келар, фақат шу жажжи тойчоғим туфайли ўзимни ўзим қўлга олардим. Бу орада мени сил касалликлари диспансери ҳисобидан ўчиришди. Болага ташна, фарзандсизлик туфайли оиласи бузилган бир одамга турмушга чиқдим.

Мен фақат бир нарса, инсон бошига оғир кун тушганда қўллаш, ёрдам бериш ҳақида гапирмоқчиман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, турмушга чиқаётганимда соппа-соғ эдим. Пешона экан, хасталикка чалинганимда юз ўгириш инсофданми, Доно бува!

**Ҳурмат билан: ҒОЛИБА.**



«ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМАН, БУВИЖОН...»

З. Ҳайдаров сурат-лавҳаси.

Мактубингизни шарҳлаймиз

# «Бизга чинни идишлар зарур...»

**Ҳурматли муҳарририят! Яқинда мавземизда ҳашар йўли билан чойхона қуриб олдик. Ажойиб томошагоҳимиз ҳам бор. Энди тўй ва бошқа маросимларни ўтказишга чинни идишлар керак. Дўконлардан топиш қийин бўлаяпти. Уларни чинни заводидан олиш имконияти йўқми?**

**Н. ЭШҚУВВАТОВ,**
**«Сергели-7» мавзесида яшовчи меҳнат кексаси,**

Муштариймиз йўллаган бу мактубга Тошкент чинни заводи тақсимот бўлимининг бошлиғи С. Комилов ўз муносабатини қуйидагича билдирди:

— Корхонамиз бир йилда 7 миллион 800 минг дона коса, 22 миллион 175 минг пиёла, 1 миллион 695 минг ликобча, 2 миллион 780 минг чойнак ва бошқа бир қатор чинни буюмлар ишлаб чиқаради. Энди мактубда айтилган фикрга келсак, биз фақат маҳсулот тайёрлаймиз, сотиш ҳуқуқига эга эмасмиз. Лекин бу сўзларим масалани ҳал этиш имконияти йўқлигини билдирмайди. Маҳалла қўмиталари Тошкент шаҳар хўжалик моллари савдоси бошқармасига қарашли 25-магазинга мурожаат қилсалар, имкониятга қараб расмийлаштириб олишлари мумкин. Бунинг учун райижроқўм томонидан маблағ ажратилиши зарур.

Корхонамизда бир қанча янги ускуналар тўла ўзлаштирилмаганлиги туфайли давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган буюмлар мавжуд. Биз уларни кундалик рўзғорда ишлатиш учун фақат хонадонларга сотаяпмиз. Миқдорини эса завод директори ҳал қилади.

**Д. ОБЛАЕВ ёзиб олди.**

Бу нола—кимга ҳавола?

# НАҲОТКИ ЁЛҒОН ГАПИРСАМ

КИЗИМ тўй киладиган бўлиб қолди. Унга ёрдам бериш учун мебель кидириб, магазинларнинг биридан топган эдим, райижроқўмдан рухсат керак экан. Райижроқўмда эса иш жойидан қоғоз сўрашди. Кизим 15 йилдан бери ўқитувчилик қилаётган 119-ўрта мактаб маъмурияти мен сўраган хужжатни тўғрилаб берди. Хурсанд бўлиб раиснинг олдига кирсам, халқ таълими бўлимига юборди. Кейин мактабга бориб, йиғилиш қарорини ҳам келтиришга мажбур бўлдим. Мудирга имзо қўйдириш учун бир ҳафта кутишга тўғри келди.

Қўлимдаги қоғозларни район ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Саида Ғаниева кўздан кечириб: «Ота, магазиндан талон келтириб беринг», деди. «Қорақамиш» даҳасидаги дўконга ўн кунча қатнаб, иккита талон олишга муваффақ бўлдим. Набирам билан яна Саида Ғаниеванинг ҳузурига кирдик.

— Сиздан олдин 16 киши навбатда турибди, — деди у олдимга рўйхатни ташлаб.

— Шулардан кейин оласиз.

— Ахир талон олиб келинг, деб айтдингку, кизим, —сўрадим ҳайрон бўлиб. — Шунча пайтдан бери сарсон бўлмасдим. Тўй яқин бўлса...

— Айтдим-ку, навбатингиз келганда оласиз. Мен бундай муомаланинг сабабини тушунолмай, яна райижроқўм раисига, бирор нажот бўлмагач район партия қўмитасига мурожаат қилдим. Афсуски, ваъдадан нарига ўтишолмади. Саида Ғаниева эса: «Талон ҳақида ҳеч қандай гап бўлгани йўқ» деб айтган сўзларидан тонди.

Мебелни-ку бир амаллаб топдик. Аммо 90 ёшга кирганимда ўзимнинг қадр-қимматимни топталгандек ҳис қилдим. Наҳотки олти фарзанднинг отаси, 35 невара-чеваранинг буваси бўлатуриб ёлғон гапирсам. Бор отангга, бор онангга қабилида иш тутаётган раҳбарлар туфайли кўпчилик ҳамон сарсон бўлиб, керакли нарсани чакана нархда олишга мажбур бўлишаяпти. Қайта қуриш шамоли уларни уйқудан қачон уйғотаркин?

**А. ҚУРБОНОВ,**
**С. Раҳимов райони, Мевазор кўчасида яшовчи пенсионер.**



**Ушбу суратдаги хароб аҳволда ташлаб қўйилган рўзнома-ойномалар дўкони «Маданият» маҳалласидаги «Эркин» бекати олдида жойлашган. Сергели район «Союзпечать» агентлиги раҳбарларининг эса парвойи фалак.**

Акс садо

# «Қоровул керакми?»

Мен мақолада («Маҳалладош», 28 июнь) таъкидланган Фармон ака билан маҳалладош эдим. Бу ажойиб инсон ўзининг муомаласи ва одамохунлиги билан кўпчилик ўртасида обру қозонганди. Унинг жуссаси кичик бўлса ҳам овози жуда ўткир эди.

Ҳозир маҳаллаларга Фармон акага ўхшаш коровуллар ҳаводек зарур. Чунки тунда навбатчи инспектор ёки кўнгилли дружиначилар кўчаларда кўринишмайди. Шу боис ўқишдан қайтаётган ўғил-қизларимиздан хавотир олиб, кўчага чиқиб кутиб олаяпмиз. Қоровул бўлса осойишталик таъминланарди. Тўланадиган маошни эса маҳалла қўмиталари ҳал қилганлари маъқул.

**Ф. НУРИДДИНОВ.**

Рўзнома аралашуви билан

# САБЗАВОТ ДЎКОНИ ҚУРИЛАДИ

**«Маҳалладош»нинг шу йил 31 май сонида эълон қилинган «Жавобдан қониқмадик» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Октябрь район ижроия комитетининг раиси Р. Ф. Хўжаев имзоси билан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:**

«Мақолада ҳақиқатан ҳам тўғри далиллар келтирилган. Ижроқўмнинг барча ходимларига фуқароларнинг таклиф ва истакларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қондириш, уларга диққат-эътибор билан муносабатда бўлиб, малакали жавоб қайтариш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида «Тахтапул» маҳалласида сабзавот дўкони қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Қурилиш назорат остига олинди».

